

Аллоҳнинг юз раҳмати



11:30 / 21.05.2019 5043

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни:

«Аллоҳ раҳматини юзга бўлиб, тўқсон тўққизтасини Ўз ҳузурида олиб қолди. Бир бўлагини ерга индирди. Ўша бир бўлак раҳмат билан халойиқ бир-бирига раҳм қилади. Ҳаттоки, ўша бир бўлак билан ҳайвон ҳам боласига озор етишидан қўрқиб, туёғини кўтариб туради», деганларини эшитдим.

Бошқа ривоятда: **«Аллоҳ таолонинг юз раҳмати бордир. Ундан бир қисмини жинлар, инсонлар, ҳайвонлар ва ҳашаротлар орасида тақсимлаб қўйган. Ўша бир раҳмат туфайли улар меҳрибонлик ва раҳм қилишади. Ва ҳатто ваҳший ҳайвонлар ҳам болаларига**

меҳрибонлик қилишади. Аллоҳ таоло Қиёмат куни бандаларига раҳм қилиш учун тўқсон тўққизта раҳмни олиб қўйган», дейилган.

Муттафақун алайҳ.

Имом Муслимнинг Салмон Форсий розияллоҳу анҳудан қилган ривоятларида: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ таолонинг юзта раҳмати бўлиб, ундаги бир бўлак билан халойиқ ўзаро бир-бирларига раҳм қилишади. Тўқсон тўққизтаси Қиёмат кунига қолдирилган», дедилар», дейилган.

Яна бошқа бир ривоятда: **«Аллоҳ таоло еру осмонни яратган куни юз раҳматни ҳам яратган. Барча раҳмат агар жам бўлса, осмон билан ер ўртасини тўлдирар эди. Ўша раҳматлардан бирини ер юзига туширгандир. Бу билан она боласига, қушлар ва ҳатто ваҳшийлар бир-бирларига меҳрибонлик қилишади. Қиёмат кунда эса бу бир раҳматни (Ўзининг ҳузуридаги тўқсон тўққизта раҳматга қўшиб) мукамал қилади», дейилган.**